




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



“Ўзавтосаноат” АЖ

Монополияга қарши курашиб қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Махсус саноат зонаси “Андижон вилояти саноат хаби”ни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ID-26203 (V-1) қарори лойиҳасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиласди.

Қарор лойиҳасининг 4-бандида “Саноат хаби” бино ва иншоотлари қурилиши инвестициялар (шунингдек ҳорижий) ҳисобидан шу жумладан, мазкур “Саноат хаби” дирекцияси функцияларини бажарувчи тарзида инвесторлар ва “Ўзавтосаноат” АЖ ёки унинг корхоналари улушлари иштирокида **масъулияти чекланган жамият** тузиш орқали амалга оширилиши маъқулланиши кўрсатилган.

Шунингдек, қарор лойиҳасининг 5-бандида Андижон вилояти ҳокимлиги бир ой муддат давомида, “Саноат хаби”да ташкил этиладиган **корхона балансига 100 гектардан кам бўлмаган ер майдонларини** жумладан, қишлоқ хўжалиги бўлмаган мақсадларда фойдаланишга олинадиган **суғориладиган ер майдонлари учун қонунчиликда назарда тутилган компенсация тўловлари амалга оширилмаган ҳолда, доимий эгалик қилиш, фойдаланиш ва “Саноат хаби” худудида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга бино-иншоотларни ижарага бериш хуқуқи асосида беғарараз тартибида ажратилиши таъминлаш** кўрсатилган.

Қарор лойиҳасининг 9-бандида “Саноат хаби” обьектларини қуриш ҳамда фаолият кўрсатиши даврида, **жумладан 2023 йил 1 январга қадар:**

объектларни қуришга жалб қилинган лойиҳачи ва бош пудрат ташкилотлари ҳамда Дирекциялар қурилиш ишларини амалга оширишда зарур бўлган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган,

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус техника ва қурилиш техникаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкцияларини **хориждан олиб келишда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари)** озод қилиниши;

объектларни қуришга жалб қилинган **лойиҳачи ва бош пудрат ташкилотлари ҳамда Дирекцияларга** қурилиш ишларини амалга ошириш учун импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус техника ва қурилиш техникаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкциялари учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлашни Дирекцияларнинг кафолат хати асосида **120 кунга қадар кечиктириш хуқуқи берилиши кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг **12-моддасига** асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги **ПФ-5185-сон Фармони** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, **соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив хуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш** кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг **34-моддасига** асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга

ошираётган фаолиятига **аралашишга ҳақли эмас.**

Давлат органлариға, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахслариға битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига **кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш таъқиқланиши кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “б” кичик бандига** асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишига) **йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-3677-сонли қарорининг 1-бандига** асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб **юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-IJRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилган.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги **ПФ-5780-сонли Фармонига** мувофиқ 2019 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча ҳудудларида

фақат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-5742-сонли Фармонининг 5-бандига** мувофиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик обьектлари (бинолар ва иншоотлар) курилиши учун ажратилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармони, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПҚ-3677-сонли қарори талабларига зид эканлигини инобатга олиб, **қарор лойиҳасини ушбу таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ** эмас ҳисобланади.

Бунда, лойиҳада ҳокимлик томонидан ер ажратиш фақат электрон савдолар орқали рақобат ва тенгхуқуқлик асосида ҳамда суғориладиган ер қаторига кирмайдиган жойдан кўзда тутиш лозим.

Председатель



Sharipov N. S.